

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA
MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT-KIMYO TEXNOLOGIYA INSTITUTI

**YOQILG‘I ISHLAB CHIQRISH VA ORGANIK BIRIKMALAR
TEXNOLOGIYASI FAKULTETI**

**NEFT-GAZNI QAYTA ISHLASH KIMYOVIY TEXNOLOGIYASI
KAFEDRASI**

“TASDIQLAYMAN”
kafedra mudiri
k.f.n. O.E.Ziyadullaev.

«___»_____2013 y

Talabaning bitiruv ishiga

Topshiriq

1. Bitiruv ishining mavzusi *(talabaning ismi sharifi)* _____

Institut buyrug‘i asosida tasdiqlandi «___» _____ 2013 y., № _____

2. Bitiruv ishining topshirish muddati _____

3. Bitiruv ishini bajarish uchun olingan dastlabki
ma‘lumotlar _____

4. Loyihada yechiladigan masalalar _____

5. Chiziladigan materiallar ro‘yxati _____

6. Topshiriq berilgan muddat _____

Bitiruv ishi rahbari _____

(imzo)

Topshiriq, bajarish uchun qabul qilindi _____

(imzo)

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT KIMYO - TEXNOLOGIYA INSTITUTI

**NEFT VA GAZNI QAYTA ISHLASH KIMYOVIY TEXNOLOGIYASI
KAFEDRASI**

HISOB-TUSHUNTIRISH AXBOROTI

Bitiruv ishi mavzusi **XOM-ASHYO GAZINI DEPROPANIZATSIYA VA
DEBUTANIZATSIYALASH QURILMASINI LOYIXALASH**

Kafedra mudiri _____ k.f.n. O.E.Ziyadullaev.

Rahbar _____

Maslaxatchilar:

Texnologik qism _____

Iqtisodiyot _____

O‘lchash asboblari va
avtomatlashtirish _____

Mexnat muhofazasi _____

Fuqaro muhofazasi _____

Atrof-muxit
muhofazasi _____

Taqrizchi _____

Bitiruv ishini bajaruvchi _____

Toshkent – 2013

MUNDARIJA

Saxifa beti

1. KIRISH
2. TEXNIK-IQTISODIY ASOSLASH
3. XOM-ASHYO, MODDALAR VA TAYYOR MAHSULOT TAVSIFI
4. TEXNOLOGIK JARAYON TAVSIFI
5. ASOSIY QURILMANING TEXNOLOGIK HISOBI.....
6. O'LGHASH ASBOBLARI VA AVTOMATLASHTIRISH
7. ATROF MUXIT MUXOFAZASI
8. FUQARO MUHOFAZASI
9. MEHNAT MUHOFAZASI
10. IQTISODIYOT BO'LIMI.....
11. FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR
12. BITIRUV ISHINING QISQACHA MAZMUNI.....

KIRISH

O`zbekiston Respublikasida tabiiy energiya manbalaridan tabiiy gaz, neft, toshko`mir hisoblanadi. Ulardan olinayotgan maxsulotlarkatta ahamiyatga egadir. Bunday maxsulotlarga benzin, kerosin, dizel yoqig`si, mazut, tabiiy gazdan – metan, etan, propan... Bu gazlardan o`z navbatida turli xil polimer maxsulotlar sintez qilinadi. Shuningdek neftdan maxsus surkov moylari ham ishlab chiqariladi. Qayta ishlash jarayonlarida olingan mahsulotlar, xalq xo`jaligi uchun zarur mahsulot ishlab chiqariladi va xom-ashyo sifatida foydalaniladi. O`zbekiston Respublikasi ishlab chiqarishning asosiy sohalaridan hisoblangan neft va gaz sanoatiga katta etibor qaratildi. Bu borada I.A.KARIMOVning 1992-yildagi neft va gaz sohasining rivojlantirish to`g`ianiqlab olindi. Respulika yoqilg`i-energetik mustaqillikaerishish maqsada mavjud ishlab turgan zavodlar q atoriga yangi zavodlar qurildi.

O`zbekiston mustaqillika erishguncha neft va gazni qayta ishlash zavodlari Oltiariq, Farg`ona, Muborak gazni qayta ishlash zavodlari qatoriga 1992-yil 22-avgustda ishga tushirilgan Buxoro neft va gazokondensatini qayta ishlashga mo`jallangan zavod va 2001-yilda Sho`rtan gaz majmuasi ochildi. Umuman O`zbekistondagi neft va gazni qayta ishlash sohasini vujudga kelishiga nazar solsak XIX-asrga kelibysid Farg`ona vodiysida ochilgan dastlabki konlar asosida 1904-1906-yillarda O`zbekistonda 1-Oltiariq neftni qayta ishlash zavodi ishga tushirildi. Oltiariq neftni qayta ishlash zavodi asosan neftni birlamchi qayta ishlashga mo`ljallangan bo`lib, hozirgi kunda ishlab chiqarish quvvati 1,5 mln tonnani tashkil etadi.

Respublikamizda neftni qayta ishlash bilan birgalikda gazni qayta ishlash sohasiga ham katta e`tibor berildi. 1971-yilda Muborak gazni qayta ishlash zavodi 1-ishga tushirildi. Zavod asosan xalq xo`jaligi uchun eng arzon yoqilg`i-tabiiy gazni yetkazib beradi. Muborak gazni qayta ishlash zavodining dastlabki quvvati yiliga 5mlrd m³ tabiiy gazni qayta ishlagan, 1978-80-yillarda zavodning 2-va 3-

navbati ishga tushirilib,quvvati yiliga 10mlrd m³ni tashkil etadi.1984-yil 4-navbati ishga tushirildi.Uning umumiy quvvati 25mlrd m³nitashkil etdi.Hozirda 30mlrd m³ni tashkil etadi.

Respublikamizda neft kimyosi va organic sintez moddalar olishni ko`paytirish maqsadida 17-fevral 1998-yil „O`zbekneftgaz” va „ABB LUMMUS GLOBAL” VA boshqa kompaniyalar o`rtasida gaz kimyo majmuasi loyihalash qurilmasini yetkazish ,o`rnatish,ishga tushirish bo`yicha shartnoma imzolandi. 2002-yil oxiridaShortan gaz kimyo majmuasi ishga tushirildi.

TEXNIK - IQTISODIY ASOSLAR

Sho'rtan unitar shuba korxonasi 1997-yil ishga tushirilgan. Bu majmua tabiiy gazni oltingugurtli birikmalardan adsorbentlar yordamida tozalovchi, tabiiy sovutib, quyi temperaturada suv va gaz kondensati tomchilaridan tozalovchi gazni metan, etan, propan va butan fraksiyalarga ajratuvchi, etan fraksiyasini piroliz qurilmasiga berilib, asosan etilen oluvchi, etilendan polietilen mahsulotlarini oluvchi qurilmalar ishga tushirilgan.

Sho'rtan unitar shuba korxonasiga yiliga 125 ming tonna polietilen ishlab chiqilmoqda. Shundan 50 - 60% polietilen xalqqa sotilmoqda. Hozirgi kunda zavod 90% quvvat bilan ishlamoqda. Zavodda 2500 kishi ish bilan ta'minlangan.

Sho'rtan unitar shuba korxonasi 3 ta katta qismdan iboratdir:

- Etilen ishlab chiqarish sexi;
- Polietilen ishlab chiqarish sexi;
- Energiyaresurs ustanovkalari.

Etilen sexining o'zi bir necha zonaga bo'linadi, ya'ni issiq va sovuq bo'limlarda iborat. Agar issiq bo'limi yiliga 1000 soat ishlasa, uni etilen olish quvvati yiliga 14000 tonnani tashkil etadi.

Etilen uskunali bo'limning vazifasi etan xom ashyosini termik ajratish uskunasidan o'tkazadi. Bu yerdan siqib haydalgan va quritilgan gaz ya'ni piroliz keyingi fraksiyaga ajratish uchun etilen uskunasini sovuq bo'limga beriladi. Ushbu ob'yekt 2002-yilda ishga tushirilgan.

Etilen uskunasini isitish bo'limi 100-zonasini quyidagi texnologik mintaqalarga ajratish mumkin:

- To'yingan xom ashyolar;
- Etan pirolizi
- Pirogaz toblanishi;
- Qizdirilgan suvni dispers moyi.

Etilen uskunasini bosh loyihasi ABB Lummus Global (AQSh) firmasi tomonidan loyihalashtirilgan. Hozirgi kunda yer ostidan olinayotgan tabiiy gaz konlarda qayta ishlanib, ularni tovar gaz holiga keltiriladi. Shu bilan birga undan etan, propan, butan, izobutan gazlari, oltingugurt, gazkondensat, hatto motor yoqilg'ilari chiqariladi. Yurtimizning yer osti konlaridan olinayotgan gaz, gazlarning 70% ga yaqini elektroenergiyasini ishlab chiqarish uchun yonilg'i sifatida ishlatiladi.

Yer ostidan gaz bosim ostida chiqadi va tashqariga chiqqandan keyin bosim pasayadi. Buning natijasida gazning tarkibidagi suyuq holdagi qismi ajratib chiqariladi. Yer ostidan chiqqan bu suyuq gaz – gaz kondensati deyiladi. Kondensatdan tozalangan gazni tarkibida yana bir muncha chiqindilar bo'ladi.

Tabiiy gaz odatda uzoq masofalarga trubalar orqali uzatiladi. Gaz yiliga iqlim sharoiti har xil bo'lganligi sababli gazni tarkibidagi suvdan tozalash katta ahamiyatga ega. Gaz tarkibidagi namlik suyuq uglevodorodlar va boshqa chiqindilar gaz trubalarini ish samaradorligini kamaytiradi.

Kompressorlarni ishdan chiqaradi va tekshirish moslamalarini trubalarida tiqilib qoladi. Bular texnologiya qurilmalarini ishini murakkablashtiradi. Bular texnologiya qurilmalarini ishini murakkablashtiradi. Shu sababli tovar gaziga quyidagi talablar qo'yiladi:

Mexanik chiqindilar 100 m^3 gaz tarkibida 0,1 grammdan, vodorod sulfid gazi 0,2 grammdan oshmasligi shart.

Sho'rtan unitar shuba korxonasi haqida qisqacha to'xtaladigan bo'lsak, ushbu majmua Qashqadaryo viloyati, G'uzor tumaniga Qarshi shahridan 40 km uzoqlikda janubiy g'arbida joylashgan.

Zavodning texnologik ob'yektlari 150 gektar joyida joylashgan, shimoldan 20 km uzoqlikda 240000 tonna mazut omborxonasi bo'lgan.

Tolimarjon GES si joylashgan shimoliy qismida 2 km uzoqlikda neft-gaz korxonasi joylashgan. Sho'rtan unitar shuba korxonasida temir yo'l, avto transport, magistral quvurlar keltirilgan. Elektr manbai bilan Tolimarjon GES ta'minlab

beradi. Korxonaga ishchi kuchi Sho'rtan, G'uzor, Qarshi, Koson va boshqa rayonlardan kelib ishlaydi. Zavod ishchilari uchun hamma shart-sharoitlar yaratilgan. Uzoqdan kelib ishlovchilarga yotoqxonalar mavjud. Ba'zi oilaviy bo'lgan ishchilarni majmua uy-joy bilan ham ta'minlaydi. Zavod o'zini ishchilarini vaqtida oylik, qo'shimcha maosh, hamda qulay ishlashlari uchun ust-bosh, kiyim-kechaklar bilan vaqtida ta'minlab turadi. Majmuani ishchilarning farzandlari uchun yozgi ta'tilda maza qilib dam olishlari uchun zamonaviy, har tomonlama qulay oromgohlari ham mavjud.

Kimyo majmuasi uchun injener-texnik xodimlarni Toshkent Davlat Texnika Universiteti, Toshkent Kimyo Texnologiya Instituti va Qarshi Davlat Texnika Universiteti tayyorlab beradi. Zavod yosh, yetuk xodimlari uchun chet davlatlarda malaka oshirishlari hamda ushbu davlatning texnologiyasini o'rganib, o'zimizda joriy etishlari uchun bir qancha imkoniyatlar yaratib qo'ygan.

Sho'rtan unitar shuba korxonasining shimoliy-sharqida Qarshi kanalidan kelayotgan suv hisobiga 11,3 mln m³ sig'imga ega sun'iy ombori, 1700 metr uzoqlikda shaharcha joylashgan. Sho'rtan unitar shuba korxonasining polietilenga bo'lgan ehtiyojini to'liq qondiradi.

XOM – ASHYO, MODDALAR VA TAYYOR MAHSULOT

TAVSIFI

№	Xom ashyo, reagentlar, katalizatorlar yarim mahsulotlar, tayyorlanadigan mahsulotlarining nomi	Davlat yoki tarmoq standarti, texnik shartlar, korxonalar standartining tartib raqami	Tekshirilishi shart bo'lgan sifat ko'rsatkichlari	Me'yor (davlat, tarmoq, korxonalar standarti, texnik shartlar bo'yicha)	Tayyorlanadigan Mahsulotning qo'llanish sohasi
---	--	---	---	---	--

1	2	3	4	5	6
Tabiiy gazni amin yordamida tozalash					
1. Boshlang'ich xom ashyo					
1.1.	Tabiiy gaz	Laboratoriyaga kirish nazorati	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Korxonaning xom ashyosi
			CO ₂	3,36	
			H ₂ S	0,06	
			SN ₄	88,74	
			S ₂ N ₆	4,08	
			S ₃ N ₈	0,89	
			S ₄ H ₁₀	0,41	
			S ₅ Uglevodorodlari	0,17	
			S ₆ va yuqori uglevodorodlar	0,3	
			N ₂	0,76	
H ₂ O	1,23				
2. Mahsulotlar					
2.1.	Tozalanган tabiiy gaz	Laboratoriyaga kirish nazorati	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Gazlarni ajratish qurilmasi uchun xom ashyo
			CO ₂	0,005	

1	2	3	4	5	6
			H ₂ S	0,00	
			SN ₄	92,62	
			S ₂ N ₆	4,26	
			S ₃ N ₈	0,93	
	Tozalangan tabiiy gaz	Laboratoriyaga nazorati	S ₄ H ₁₀	0,43	Gazlarni ajratish qurilmasi uchun xom ashyo
			S ₅ Uglevodorodlari	0,18	
			S ₆ va yuqori uglevodorodlar	0,31	
			N ₂	0,79	
			H ₂ O	0,47	
2.2.	Nordon (kislotali) gaz	Laboratoriyaga nazorati	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Oltinugut olish qurilmasi uchun xom ashyo
			CO ₂	88,10	
			H ₂ S	1,55	
			H ₂ O	10,35	
2.3.	GA-1702, 1702S Nasoslar dan oqova suvlar kollektoriga tashlanadigan nordon suv	Laboratoriyaga nazorati	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Tozalash va neytrallash
			H ₂ O, kamida	99,95	
			SO ₂ , ko'pi bilan	0,04	
			H ₂ S, ko'pi bilan	0,01	
3. Reagentlar					
3.1.	Massa ulushi 85% bo'lgan dietanola min yoki ekvivalenti	Yakuniy loyiha Hujjatlari, 2 tom, 291 bet	Tashqi ko'rinishi	Aralashmalariz tiniq	H ₂ S va SO ₂ ni absorbsiya qilish
			DEA (C ₄ H ₁₁ O ₂ N),	suyuqlik	

1	2	3	4	5	6
			massa ulushi, %, kamida		
			Zichligi, 20 ⁰ S da, g/sm ³	1,1	
			Kristallanish temperaturasi, ⁰ S, kamida	25,7	
3.2.	ES-3005A Nalco/Exxon Energy Chemicals korroziya ingibitori yoki 1376A Ekvivalenti	Yakuniy loyiha hujjatlari, 2tom, 305bet	Tashqi ko'rinishi	Rangsiz suyuqlik	Korroziya jarayonini susaytirish uchun
			Zichligi, 16 ⁰ S da, g/sm ³	1,02-1,03	
			Qotish Temperaturasi, ⁰ S	Minus 2	
			Qovushq oqligi, 16 ⁰ S da, sR	3	
			To'yingan bug' bosimi		
			20 ⁰ S da, mm Hg	12	
3.3.	Ko'piklanishga qarshi qo'shimcha Nalco Exxon Chemicals EC 9055A yoki ekvivalenti	Yakuniy loyiha hujjatlari, 2tom, 312bet	Tarkibi	Poligli kollar va yog' kislotalari efirlarining aralashmasi	DEA eritmasinin ko'piklanishini pasaytirish uchun
			Tashqi ko'rinishi	Och sariq rangli emulsiya	
			Zichligi, 16 ⁰ S da, g/sm ³	1,0	

1	2	3	4	5	6
			Qotish Temperat tuurasi, °S	Minus 9	
			Qovushq oqligi, 16°S da, sR	573	
4. Yordamchi materiallar					
4.1	Granulal Angan Aktivlan gan ko'mir SGL 8 x 30 yoki Ekvivalente nt i	Ishlab Chiqa Ruvchi ning pasporti	Turi	Granul alangan	DEA eritmasini tozalash uchun adsorbent
			Kulliligi, %, ko'pi bilan	10	
			Namligi, %, ko'pi bilan	2	
			Yod soni, mg/g, kamida	900	
			Yiyilish soni, kamida	75	
			Boshlan g'ich zichligi, g/sm ³	0,510	
			Granulal arning diametri, mm	1,5-1,7	
			G'ovakli lik, sm ³ /kg	0,85	
			Solishtir ma yuzasi, m ² /g	950-1050	
			Solishtir ma issiqlik sig'imi, kkal/kg·°S	0,25	
4.2	XN-30 markali granulal	Texnik tasnifi	V.E.T. bo'yicha	> - 885	DEA eritmasini tozalash

1	2	3	4	5	6
	angan aktivlan gan ko'mir		solishtir ma yuzasi, m ² /g		uchun adsorbent
			Yod soni, mg/g	> -950	
			Taxmini zichligi g/dm ³	> -520	
			Namlik %	> -5	
			Kullilik %	> -5	
			Vodorod ko'rsatki chi (rN)	6-8	
			Yiyilishga Chidamli lik, %	> -96.6	
			Yiyilish, %	> -85	
			Diametri , mm	3,0 + - 0,02	
			Turi	Granul alangan	
			4.3.	Moylash moyi	
Qovushq oqlik indeksi, Vi, kamida	95				
O't olish Tempera urasi, °S, Kamida	190				
Qotish Temperat urasi, °S, ko'pi bilan	Minus 10				
Umumiy kislotalik	0,3				

1	2	3	4	5	6
			soni, mg KON/g ko'pi bilan		
			1000 h dan keyin umumiy kislotalik soni mg KON/g ko'pi bilan	1,0	
			Mis plastina usuli bilan korroziy sinovlari 100°Sx3 h, ko'pi bilan	1	
4.4.	“A” markali dietileng likol,	Yakuniy loyiha hujjatlari, 2tom, 417 bet	Zichligi, 20 ⁰ S da, g/sm ³	1,116-1,117	
			Xazen Birligining rangdorligi, ko'pi bilan	10	
			Organik Aralash malar ning massa ulushi, %, ko'pi bilan	0,4	
			Etilengli golning massa ulushi, %, ko'pi bilan	0,15	
			Dietileng ligol	99,5	Markazdan qochma nasoslarning zichlagichlarini sovutish uchun suyuqlik

1	2	3	4	5	6
			ning massa ulushi, %, kamida		
			Suvning massa ulushi, %, ko'pi bilan	0,05	
			Sirka kislota qayta hisobla ganda kislotalar ning massa ulushi, %, ko'pi bilan	0,005	
			Sovun lanish soni, mg KON/g mahsulotga, ko'pi bilan	0,1	
			101,3 kPa, bosimda haydalinish boshlanish temperaturasi, kamida	244	
			101,3 kPa ,bosimda Haydalis hni tugash teperaturasi, ko'pi bilan	249	
4.5.	EA- 1131 dan kondensat	Yakuniy loyiha hujjatlari	Vodorod ko'rsatki chi (rN)	9,5	Tabiiy gazni suv bilan yuvish va

1	2	3	4	5	6
			Kislorod ga (O ₂) bo'lgan biologik ehtiyoj, mg/dm ³	5	DEA eritmasini tayyorlash
			Kislorod ga (O ₂) bo'lgan kimyovi ehtiyoj, mg/dm ³	15	
			Erimagan qattiq Moddalarining massaviy konsentratsiyasi, mg/dm ³ , ko'pi bilan	50	
			Muallaq holatdagi qattiq moddalarining massaviy konsentratsiyasi, mg/dm ³ , ko'pi bilan	20	
Tabiiy gazni quritish va ajratish					
5. Boshlang'ich xom ashyo					
5.1.	Tozalan gan tabiiy gaz	Labora toriya nazorati	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Gaz ajratish qurilmasi uchun xom ashyo
			CO ₂	0,00	
			H ₂ S	0,00	
			SN ₄	92,62	
			S ₂ N ₆	4,26	
			S ₃ N ₈	0,93	
			S ₄ H ₁₀	0,43	
			S ₅ Uglevodo rodlar	0,18	
S ₆ va	0.31				

1	2	3	4	5	6
			yuqori uglevodo rodlar		
			N ₂	0,79	
			H ₂ O	0,47	
5.2. Mahsulotlar					
5.3.	Tovar gaz	Material balans	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Yoqilg'I gaz
			N ₂	1,79	
			SO ₂	0,00	
			CH ₄	98,04	
			S ₂ H ₆	0,17	
5.4.	Etan mahsuloti	Material balans	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Piroliz pechlari uchun xom ashyo
			SO ₂	0,01	
			SN ₄	0,54	
			S ₂ N ₆	98,88	
			S ₃ N ₈	0,56	
5.5.	Propan mahsuloti	Material balans	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Suyultirilg an gaz
			S ₂ N ₆	0,34	
			S ₃ N ₈	99,33	
			S ₄ Uglevodo rodlar	0,33	
5.6	Butan mahsuloti	Material balans	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Suyultirilg An maishiy gaz
			S ₃ N ₈	0,74	
			S ₄ Uglevodo rodlar	97,95	
			S ₅ va yuqori uglevodo rodlar	1,31	
5.7	S ₅ va yuqori uglevod odlar	Material balans	Tarkibi, molyar ulushlar, %		Neftni qayta ishlash korxonalari

1	2	3	4	5	6
			S ₄ Uglevodo rodlar	0,98	uchun xom ashyo
			S ₅ Uglevodo rodlar	45,81	
			S ₆ -S ₈ Uglevodo rodlar	53,21	
6. Reagentlar					
6.1	Texnik metanol	TU 6.1.- 002384 9- 80:2002	1.Tashqi ko'rinishi	Rangsi z tiniq suyuqlik	Kristall gidratlar hosil bo'lishini oldini olish va ularni parchalash uchun
			2. Zichligi, 20 ⁰ S da, g/sm ³	0,791- 0,792	
			3.suv ning massa ulushi, %, ko'pi bilan	0,08	
			4.Erkin Kislotala ning massa ulushi, chumoli kislotaga qayta hisoblag anda %, ko'pi bilan	0,0015	
			5.Aldegi d va ketonlar ning massa ulushi, atsetong a qayta hisoblagan da, %, ko'pi	0,008	

1	2	3	4	5	6
			bilan		
7.Yordamchi materiallar					
7.1	ZEOCH EM Kompaniyasining Z4-01 sintetik siolitalari yoki ekvivalenti	Yakuni loyiha hujjalari, 2tom, 463 bet	1.Tashqi ko'rinishi	Granulalar Yoki briketlar ko'rini shidagi och sariqdan to'q sariq rangga cha bo'lgan qattiq modda	Tabiiy gazni quritish
			2.Kompa nent tarkibi	Na ₂ O/A I ₂ O ₃ / SiO ₂ /N ₂ O	
			3.To'kil gan zichligi, kg/m ³	680	
			4.G'ova klar o'lchami , Å	4	
			5.Erish Tempirat urasi, °S, kamida	1600	
7.2 a)	Molsiv Adsorbe nts Kompan iyasinin g 4 A 1/8 turdagi UOP Molekul yar tutib qoluvchi	Tahlil Sertifik ati	Mustahk amligi, kg	9,921	Tabiiy gazni quritish yuqori qatlamga joylanadi
			Zichligi kg/m ³	697,16	
			Suv bo'yicha Muvoza natdagi miqdori (mass.%) , 17,5 mm Hg	23,376	

1	2	3	4	5	6
			va 25 ⁰ S da		
			Qizdirish da gi yo'qotishlar, (mass.%)	0,202	
7.2 b)	Molsiv Adsorbents kompaniya sining 4 A 1/16 DG Turdagi UOP Molekulyar tutib qoluvchi	Tahlil sertifikat	Mustahkamligi, kg	3,45	Tabiiy gazni quritish quyidagi qatlamlarga joylanadi
			Zichligi kg/m ³	690,49	
			Suv bo'yicha muvozanatdagi miqdori (mass.%), 17,5 mm Hg va 25 ⁰ S da	23	
			Qizdirishdagi yo'qotishlar, (mass.%)	0,27	
7.3.	Tayanch shartlari	Yakuniy loyiha hujjatlari, 2tom	1.Yuqori qatlam	1/2	Oqimning Taqsimlanishi, seolitning olib ketilishining oldini olish
			2.O'rta qatlam	1/8	
7.4.	Past Bosimda gi bug' kondensati	Yakuniy loyiha hujjatlari, 1 tom, 48 bet	Massa ulushi, % :		Bug' hosil qilish uchun
			1.H ₂ O, kamida	99,88	
			2.SO ₂ , ko'pi bilan	0,11	
			3.DEA (C ₄ H ₁₁ O ₂)	10	

1	2	3	4	5	6
			N), rrm, ko'pi bilan		
			4.H ₂ S, ko'pi bilan	0,01	
7.5.	NO'A (KIP) havosi	Yakuniy loyiha Hujjatlari, 1 tom , 31 bet	Chang, moylar, yog'lar	Bo'lma sligi kerak	Nazorat va avtomatika asboblari
			Tomchi hosil qilish nuqtasi temperat urasi, °S, ko'pi bilan	minus 40	
7.6.	Azot	Yakuniy loyiha hujjatlari, 1 tom , 32 bet	1.N ₂ , hajmiy ulushi, %, kamida	98,5	Tizimni inert gaz bilan tozalash
			2.H ₂ O, rrm, ko'pi bilan	100	
			3.O ₂ va inert gazlar	izlari	
			4. Tomchi hosil qilish nuqtasi temperat urasi, °S, ko'pi bilan	Minus 60	
7.7.	Moylash moyi	ISO VG-46 turdagi	Kinematik Qovushq oqlik, 40°S da, mm ² /s	42-50	Gaz trubinasini va tabiiy gazni siqish kompresori
			Qovushqoqlik indeksi, kamida	70	

1	2	3	4	5	6
			Zichligik g/m ³ , ko'pi bilan	900	podshipniklari ni moylash uchun
			Ochiq tigelda chaqnash temperat urasi, °S, kamida	200	
			Qotish Tempera urasi, °S, ko'pi bilan	Minus 6	
			Kislotali k soni, mg KON/g, ko'pi bilan	0,05	
			Emulsiy alanishi, min, ko'pi bilan	30	
			Havoning 0.2%gac ha ajralib chiqishi, min, ko'pi bilan	6	
			Ko'pik hosil bo'lishi, 50°S da, sm ³ , ko'pi bilan	200	
			1 min Tindirilg ndan keyin ko'pikni ng qoldig'i,	10	

1	2	3	4	5	6
			sm ³ , ko'pi bilan		
			Oksidlan ishga bardoshli gi, h, kamida	2000	
			Mexanik Aralash malar miqdori	Bo'lma sligi kerak	
			Suvning miqdori	Bo'lma sligi kerak	
7.8.	Minerals izlan tirilgan suv	Yakuniy loyiha hujjatlari	Tempera turasi, °S: kamida	10	Amin filtrining kompresso ri va turbini yuvish uchun
			ko'pi bilan	60	
			O'tkazuv chanlik , μΩ/sm, ko'pi bilan	0,2	
			Na+K tuzlari	Bo'lma sligi kerak	
			Mis (Su)	Bo'lma sligi kerak	
			Vodorod ko'rsatki chi (rN)	8-9,5	
			Kremniy Dioksidi ing (SiO ₂) massa ulushi, rrm, ko'pi bilan	0,02	
			Temirnin g (Fe),	0,02	

1	2	3	4	5	6
			<p>massa ulushi, rrm, ko'pi bilan</p>		
			<p>Erigan qattiq zarrachal ar va moddalar miqdorining umumiy massa ulushi, rrm, ko'pi bilan</p>	<p>0,1</p>	

TEKNOLOGIK JARAYON TAVSIFI

Газни қайта ишлаш заводларидаги асосий жараён бу – бензинсизлаштириш жараёни ҳисобланади. Қайта ишланадиган нефт газини ҳажмидан, бу газдаги зарур компонентларни ажратиш даражасига ва бошқа омилларга кўра бензинсизлаштиришни тўрт усули қўлланилади:

- Компрессорлаш;
- Паст температурали конденсация ва ректификация;
- Абсорбциялаш;
- Адсорбциялаш;

Бензинсизлантиришни компрессорлаш усулида газни сиқишга асосланган бўлиб, ҳаволи ва сувли совуткичларда совитилади. Бунда газ таркибидаги оғир углеводородлар ва сув буғлари конденсацияланади, сўнгра сепараторларда ажратилади. Бу усул орқали газдан зарур компонентлардан етарли даражада ажратиш имконини таъминлайди ва одатда бошқа бензинсизлаштириш усуллари билан бириккан ҳолда ўтказиш талаб этилади. Паст температурали конденсациялаш (ПТК) жараёнида сиқилган газ махсус совуқагент (пропан, аммиак) лар иштирокида то паст (минусли) температурагача совитилади. Натижада газнинг катта қисми конденсацияланади. Углеводородли конденсат сепараторда ажратилади, сўнгра ректидиацион колонна – деэтанизаторга берилади. Колонна юқорисидан метан ва этан, пастидан эса беқарор газсимон бензин чиқарилади. Паст температурали ректификациялаш (ПТР) жараёнини паст температурали конденсациялаш (ПТК) дан фарқи, яъни ПТР жараёни анча паст температурада боради ва ректификацион колоннага икки фазали аралашма: совитилган ва углеводородли конденсат киритилади. Колонна юқорисидан бензинсизлантирилган газ, пастидан эса метансизлантирилган конденсат чиқарилади, конденсатдан этан иккинчи колонна – деэтанизаторда ажратилади. Бензинсизлантиришни абсорбциялаш усули суюқ нефт

махсулотларида газ компонентларининг турли эрувчанлигига асосланган жараён абсорберларда ўтказилади. Абсорбер баландлиги бўйича кўндаланг тўсиқлар–барботажли тарелкаларга жойлаштирилган. Газ оқимини пастки тарелкадан юқоригача кўтарилишида унинг таркибидаги оғир углеводородлар аста–секин абсорбентга ютилади ва абсорбер юқорисидан тўйинган абсорбент чиқарилади. Тўйинган абсорбент десорбциялаш орқали десорбер юқорисидан газли бензин чиқарилади, пастдан қайта тикланган абсорбент совитилган холда абсорберга қайтарилади. Абсорбция жараёни температураси қанча паст бўлса, абсорбентларни ютиш қобилияти шунча юқори бўлади. Бензинсизлантиришни адсорбциялаш усули C_3H_8+ юқори углеводородлар миқдори 50 дан 100 г/м³ гача бўлган нефт газларини қайта ишлашда қўлланилади. У адсорбентлар юзасига буғлар ва газларни ютилишига асосланган. Адсорбент сифатида одатда активланган кўмирдан фойдаланилади. Бунда адсорбент газдаги оғир углеводородлар аста–секинлик билан тўйинади. Ютилган углеводородларни хайдаш ва адсорбентни қайта тиклаш учун ўта қиздирилган сув буғи билан ишлов берилади. Адсорбентдан хайдалган сув ва углеводород буғлари аралашмаси совитилади ва конденсацияланади ҳамда олинган беқарор бензин осонгина сувдан ажратилади. Адсорбциялаш жараёнлари қўлланилишидаги камчилиги уларнинг даврий ишлашидир. Газларни фракцияларга ажратишни абсорбция–ректификациялаш усули қуйида келтирилган (расм -----

Пропанни ажратиб олиш блоки

Суюқ углеводородлар (C_3H_8 , C_4H_{10} , C_5+ юқори фракция) нинг икки фазали оқими DA-1802 деэтанализаторнинг кубидан (этан хом ашёсини ажратиб олиш блоки) 113 °С дан юқори бўлмаган температурада, таъминлаш суюқлиги сифатида DA-1803 депропанализаторга (пропанни ажратиб олиш блоки) берилади.

DA-1803 депропанизатор 52 клапанли ликопчалардан иборат бўлиб, уларда хом ашё таркибида бутан 0,33 % mol дан кам бўлган, аппаратнинг юқорисидан олинадиган пропан (C_3H_8) ва таркибида пропан 0,32 % mol дан кам бўлган куб маҳсулотини (C_4H_{10} , C_5 +юқори) олиш мақсадида фракцияларга ажратилади.

Газ фазаси таъминловчи суюқлик бериладиган нуқтадан колоннанинг юқори қисмига ҳаракатланади, бунда пастга оқиб тушаётган суюқлик билан узлуксиз масса алмашиш жараёни бориши ҳисобига пропан билан тўйинади.

7 расмда лойиҳа қувватида суюқлик таркибидаги пропан концентрациясининг колоннанинг баландлигига боғлиқлик профили келтирилган. Оғирроқ (юқори) углеводородлар (C_4H_{10} , C_5 +юқори) билан тўйинган суюқлик колоннанинг куб қисмида йиғилади.

Колоннанинг баландлиги бўйича углеводородлар аралашмасининг таркиби ўзгариши билан бирга, туташ фазаларнинг температураси ҳам ўзгаради.

8 расмда колоннанинг у ёки бу қисмидаги фазаларнинг ишчи температураси ҳақида маълумот берувчи, колоннанинг температура профили келтирилган.

Колоннанинг баландлиги бўйича муҳитнинг температураси куйидаги термопаралар билан ўлчанади:

- TI-18071 - депропанизаторнинг юқорисидан олинадиган маҳсулотнинг температурасини;
- TI-18070 - колоннага таъминлаш суюқлиги бериладиган ликопчадаги муҳитнинг температурасини;
- TI-18048 ва TC-18037 (дулекс термопара) назорат ликопчадаги муҳитнинг температурасини;
- TI-18047 колоннадан чиқариладиган куб маҳсулотининг температурасини.

Колоннанинг юқори қисмидаги ишчи босим 1160-1320 кРа оралиғида ушлаб турилади. Босимни кўрсатилган оралиқда тартибга солиш, конденсаторда конденсатлаётган пропаннинг ҳажмини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади. РС-18040 асбобидан сигнал икки тартибга солиш клапанига – конденсаторга совутиш сувини бериш қувурўтказгичига ўрнатилган PV-18040А “НО” ва “хўллаш” суюқлиги сиғимига газ фазасини бериш қувурўтказгичига ўрнатилган PV-18040В “НЗ” клапанларига боради. Колоннадаги босим белгиланган қийматдан тушиб кетганда PV-18040А “НО” клапан ёпилади, PV-18040В “НЗ” клапан эса очилади, шу тариқа колоннадаги босим кўтарилиши ва пропаннинг конденсатланишининг пасайиши таъминланади. Колоннадаги босим белгиланган қийматдан ортиб кетганда, клапанларнинг ҳаракат йўналиши карама-қарши томонга ўзгаради.

Колоннани босимнинг ортиб кетиши ва машъалага ташланадиган пропаннинг ҳажмини камайиб кетишидан ҳимоя қилиш учун бир қатор ҳимоя чоралари кўзда тутилган:

- 1270-1400 кРа оралиқда босим белгиланган қийматдан ортиб кетганда, пропан FA-1805 “хўллаш” суюқлиги сиғимининг юқори қисмидан қуруқ машъала ташламаларини йиғиш тизимига ташланади. PV-18039 “НЗ” клапаннинг иши РС-18039 асбоби ёрдамида, босимнинг юқори “Н” ва қуйи “L” қийматларида сигнализация билан, бошқарилади.

- тизимдаги босимнинг қиймати 1400 кРа га етканда, PS-18025А/В/С манбадан узгичлар ишга тушади. Манбадан узгичлардан бирининг ишлаб кетиши PАНН-18025А/В/С сигнализацияни ишга туширади. Уч манбадан узгичдан иккитасининг ишлаб кетиши I-1804 блокировкани ишга туширади.

Мазкур блокировка таъсирида қуйидаги клапанлар ёпилади:

- депропанизаторнинг EA-1813 куб ребойлерига паст босимдаги буғ бериш қувурўтказгичидаги FV-18018 “НЗ” клапани;

- куруқ машъала ташламаларини йиғиш тизимига пропанни ташлаш қувурўтказгичидаги PV-18039 “НЗ” клапани.

Колоннадаги босим 1520 кРа дан ортиб кетганда PSV-1816,S сақловчи клапанлар ишга тушади. Пропан сақловчи клапандан куруқ машъала ташламаларини йиғиш коллекторига ташланади.

Колоннанинг юқори қисмидан олинадиган 36÷40 °С температурадаги маҳсулот EA-1812 конденсатор (депропанизатор конденсатори) нинг қувурлараро ҳудудига берилади.

EA-1812 конденсатор горизонтал икки йўлли ғилофқувурли иссиқлик алмашгичдир.

Конденсаторда пропан айланма сув билан иссиқлик алмашиш ҳисобига совуйди ва конденсатланади. Бериладиган айланма сувнинг температураси 24-28 °С ни ташкил этади. Сувнинг қайтувчи оқимининг температураси 29-33 °С ни ташкил этади. Сувнинг қайтувчи оқимининг температурасини даврий равишда назорат қилиш учун, унинг қайтиш қувурўтказгичида TW-18057 мосламаси ўрнатилган. Конденсаторнинг қувурлар ҳудуди ва боғловчи қувурўтказгичларни босимнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилиш учун, айланма сувнинг чиқиш қувурўтказгичида 1520 кРа босимга мўлжалланган, PSV-1817 сақловчи клапан ўрнатилган. Сув сақловчи клапандан хавфсиз жойга ташланади.

Конденсатордан чиққан 30÷36 °С температурадаги пропан FA-1805 “хўллаш” сиғимига берилади.

Конденсатордан конденсатланмайдиган компонентларни даврий равишда чиқариб ташлаш учун, унинг юқори қисмига, газ фазани машъалага ташловчи қувурўтказгич уланган.

FA-1805 “хўллаш” суяқлиги сиғими углеродли пўлатдан ясалган, ҳажми 7,2 м³ бўлган горизонтал цилиндрик аппаратдир.

Сиғимдаги суяқликнинг сатҳи LC-18008 асбоби ёрдамида, суяқликнинг юқори “Н” ва қуйи “L” қийматларида сигнализация билан,

омборга чиқариладиган пропаннинг ҳажмини ўзгартириш йўли билан, бир маромда ушлаб турилади. Сифимдаги суюқлик сатҳи жойида LG-18064 сатҳўлчагич билан ўлчанади.

Сепаратордаги босим жойида PG-18074 манометр билан ўлчанади.

“Хўллаш” суюқлиги сифимини, босимнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилиш учун, 1520 kPa босимга мўлжалланган, PSV-1827&S сақловчи клапанлар ўрнатилган. Пропан сақловчи клапанлардан қуруқ машъала ташламаларини йиғиш коллекторига ташланади. 30–36 °C температурадаги суюқ пропан “хўллаш” суюқлиги сифимидан GA-1803,S насосларнинг сўриш қисмига берилади.

GA-1803,S марказдан қочма горизонтал насосдир. (Насосни ишлатиш бўйича тўлиқ маълумот “Технологик насосларни ишлатиш бўйича йўриқнома” да келтирилган).

Насоснинг сўриш қисмига предметларни тушиб қолиши ва унинг ишдан чиқишини олдини олиш учун суюқ пропанни бериш қувурўтказгичида механик филтър ўрнатилган. Тўрнинг диаметри 50 меш.

Насослар корпусидаги босим жойида PG-18075 ва PG-18076 манометрлар билан ўлчанади.

Суюқ пропаннинг FA-1805 “хўллаш” суюқлиги сифимидан чиқиш қувурўтказгичида, насоснинг сўриш қисмида XV-18029 узгич клапан ўрнатилган. Клапанни бошқариш (очиш/ёпиш) DCS дан HS-18029 қайтаулагич билан амалга оширилади. Шунингдек, клапанни жойида PB-18029 тугмача билан ёпиш мумкин. Клапаннинг ёпилишида, ZSO-18029 улагичнинг “очик” ҳолат сигнали I-1808 блокировка ишга туширади, натижада GA-1803&S “хўллаш” суюқлигини берувчи насоснинг ишдан чиқишининг олди олиниб, у тўхтатилади.

Насосдан чиққан суюқ пропан, DA-1803 колоннанинг юқори қисмига “хўллаш” учун берилади. Депропанизаторнинг 1-ликопчасига

Бериладиган “хўллаш” суюқлигининг миқдори FC-18019 асбоби ёрдамида, ушбу қувурўтказгичда ўрнатилган FV-18019 “НО” клапани воситасида тартибга солинади.

FC-18019 асбоби учун топшириқ бутаннинг пропандаги концентрацияси асосида берилади.

“Хўллаш” суюқлиги сифимидаги сатҳга боғлиқ ҳолда пропаннинг бир қисми бутан фракцияси билан аралаштириш учун берилади. Бериладиган пропаннинг миқдори FI-18018 сарфўлчагич билан ўлчанади. Аралаштирилган пропан-бутан фракцияси (ПБФ) оқими сақлаш ва истеъмолчиларга жўнатиш учун товар паркига юборилади.

Бериладиган ПБФ нинг миқдори FI-18040 сумматор билан ўлчанади.

ПБФ нинг чиқиш қувурўтказгичида HV-18031 узгич клапан ўрнатилган. Мазкур клапанни бошқариш (очиш/ёпиш) DCS дан HS-18031 қайтаулагич билан амалга оширилади. Шунингдек, клапанни жойида РВ-18047 тугмача билан ёпиш мумкин.

Пропанни бутан билан аралаштириш бўлиmidан олдин, даврий равишда фойдаланиладиган, пропан совутиш цикли тизимини (пропан совутиш агенти қурилмаси, 1500 зона) пропан билан таъминлаш қувурўтказгичи мавжуд.

Бериладиган товар пропаннинг таркибини, даврий равишда аналитик назорат қилиш учун, таъминлаш суюқлиги бериш қувурўтказгичида S-1810 намуналар олиш нуқтаси ўрнатилган.

Суюқ фазадаги (C_4H_{10} , C_5+ юқори) углеводородлар аралашмасидан ташкил топган куб маҳсулоти колоннанинг куб қисмидаги ҳайдаш секциясига берилади. Углеводородлар аралашмаси $113\div 114$ °С температурада ҳайдаш секциясидан, термосифон воситасида EA-1813 куб ребойлерининг қувурлар ҳудудига берилади.

EA-1813 куб ребойлери вертикал ғилофкувурли иссиқлик алмашгичдир.

Суюқ фаза ребойлерда паст босимдаги тўйинган буғ билан иссиқлик алмашиш ҳисобига исийди. Буғ куб ребойлерининг қувурлараро ҳудудига 170°C температурада ва 500 kPa босим остида берилади. Суюқ фазанинг ребойлерда исиши натижасида осон учувчи углеводородлар буғланади, бунинг натижасида иссиқлик алмашгичниг бутун баландлиги бўйича углеводородлар аралашмасининг зичлиги камаяди. Иссиқлик алмашгичниг ҳайдаш секциясидаги ва куб ребойлеридаги маҳсулотларниг зичликлари орасидаги фарқ термосифон жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Куб ребойлерининг қувурлараро ҳудудига бериладиган буғниг миқдори, FC-18018 сарфўлчагичниг поғонали ишлаш режимида, назорат ликопчасидаги температурага боғлиқ ҳолда, топширикни қайта белгилаб, тартибга солинади. Колоннанинг назорат ликопчасидаги ишчи температура 88÷90 °C даражасида ушлаб турилади.

Бериладиган буғниг босими ребойлерга кириш жойида PG-18071 манометр билан ўлчанади.

Иссиқлик алмашиш жараёнида ребойларда буғ конденсатланади, буғ конденсати ребойлердан FA-1810 буғ конденсати сиғимига юборилади.

FA-1810 буғ конденсатини йиғиш сиғими, ҳажми 0,34 m³ бўлган вертикал сиғимдир. Буғниг йиғиш коллекторига ўтиб кетишини олдини олиш, мазкур йиғиш сиғимининг вазифаси ҳисобланади.

Йиғиш сиғимидаги буғ конденсатининг сатҳи, конденсатни йиғиш коллекторига чиқариш қувурўтказгичида ўрнатилган LV-18012 ”НЗ” тартиблагич клапан воситасида, LC-18012 асбоби билан тартибга солинади. Конденсатниг ҳажми жойида LG-18063 сатҳўлчагич билан ўлчанади.

Буғ конденсатини йиғиш сифимидаги босим PG-18072 манометр билан ўлчанади.

Инерт, конденсатланмаган газларнинг йиғилиб қолиши ва куб ребойлерининг буғ тизими ишининг бузилишини олдини олиш мақсадида, унинг юқори қисмидан, 23 kg/h миқдорида юқоридан олинадиган маҳсулотни доимий ташлаш амалга оширилади. Ташланадиган маҳсулот миқдорининг доимийлиги FO-18028 чекловчи диафрагма билан таъминланади, конденсат буғ конденсатини йиғиш коллекторига ташланади.

Куб ребойлерининг қувурлараро ҳудуди ва боғловчи қувурўтказгичларни ребойлерга буғнинг кириш қувурўтказгичидаги босимнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилиш учун, 1620 kPa босимга мўлжалланган, PSV-1815 сақловчи клапан ўрнатилган. Буғ сақловчи клапандан атмосферага ташланади.

Куб ребойлерига бериладиган углеводородлар оқимининг температурасини TW-18066 мосламасида ўлчаш мумкин.

Ребойлердан чиққан углеводородлар аралашмасининг икки фазали оқими, 120÷122 °C температурада, куб қисмининг йиғиш секциясига берилади. Газ фазаси йиғиш секциясидан, ҳайдаш секциясига оқиб тушаётган суюқ фаза билан масса алмашиш жараёнида иштирок этиб, колоннанинги юқори қисмига кўтарилади.

Куб ребойлерининг унумдорлигини назорат қилиш учун, ребойлардан чиқаётган углеводородлар оқимининг температурасини даврий равишда, куб маҳсулотини депропанизатор кубига бериш қувурўтказгичига ўрнатилган TW-18067 мосламаси воситасида, ўлчаш имкони мавжуд.

120÷122 °C температурадаги суюқ фаза (C_4H_{10} , C_5 +юқори) колонна кубининг йиғиш секциясидан, таъминлаш маҳсулоти сифатида, бутанни ажратиб олиш блокига берилади.

Йиғиш секциясидаги суюқликнинг сатҳи, сатҳнинг юқори “Н” ва қуйи “L” қийматларида сигнализация билан, LC-18007 асбоби ёрдамида ўлчанади. Йиғиш секциясидаги суюқликнинг сатҳи жойида LG-18062A/B сатҳўлчагич билан ўлчанади.

Чиқариб олинadиган маҳсулот миқдори FC-18017 асбобининг поғонали ишлаш режимида, колонна кубидagi сатҳга (LC-18006) боғлиқ ҳолда топширикни қайта белгилаб, тартибга солинади. Тартибга солиш, куб маҳсулотини чиқиш қувурўтказгичига ўрнатилган FV-18017 “НЗ” клапани воситасида, амалга оширилади.

Чиқариб олинadиган куб маҳсулотининг сифатини даврий равишда назорат қилиш учун, колонна кубининг йиғиш секциясидан маҳсулот чиқиш қувурўтказгичида S-1809 намуналар олиш нуқтаси ўрнатилган.

FA-1805 “хўллаш” суюқлиги сиғими ва GA-1803,S флегма бериш насосларидан суюқ маҳсулотлар суюқ дренаж коллектори (СДК) га, DA-1803 колоннасининг куб қисмидан эса “хўл” машғала ташламалари коллекторига ташланади.

Бутанларни ажратиб олиш блоки

Суюқ углеводородлар (C_4H_{10} , C_5 +юқори фракция) нинг икки фазали оқими DA-1803 депропанизаторнинг кубидан (пропанни ажратиб олиш блоки) $120\div 122$ °C температурада, таъминлаш суюқлиги сифатида DA-1804 дебутанизаторга (бутанни ажратиб олиш блоки) берилади.

DA-1804 дебутанизатор 36 клапанли ликопчалардан иборат бўлиб, уларда хом ашё таркибида (C_5 +юқори) 1,31 % mol дан кам бўлган, аппаратнинг юқорисидан олинadиган бутан (C_4H_{10}) ва таркибида бутан 0,98 % mol дан кам бўлган куб маҳсулотини (C_5 +юқори) олиш мақсадида фракцияларга ажратилади.

Газ фазаси таъминловчи суюқлик бериладиган нуқтадан колоннанинг юқори қисмига ҳаракатланади, бунда пастга оқиб тушаётган суюқлик билан узлуксиз масса алмашиш жараёни бориши ҳисобига бутанлар билан тўйинади.

9 расмда лойиҳа қувватида суюқлик таркибидаги бутан концентрациясининг колоннанинг баландлигига боғлиқлик профили келтирилган. Оғир (юқори) углеводородлар билан тўйинган суюқлик колоннанинг куб қисмида йиғилади.

Колоннанинг баландлиги бўйича углеводородлар аралашмасининг таркиби ўзгариши билан бирга, туташ фазаларнинг температураси ҳам ўзгаради.

10 расмда колоннанинг у ёки бу қисмидаги фазаларнинг ишчи температураси ҳақида маълумот берувчи, колоннанинг температура профили келтирилган.

Колоннанинг баландлиги бўйича муҳитнинг температураси қуйидаги термопаралар билан ўлчанади:

- TI-18042 - дебутанизаторнинг юқорисидан олинадиган маҳсулотнинг температурасини;
- TI-18038 - колоннага таъминлаш суюқлиги бериладиган ликопчадаги муҳитнинг температурасини;
- TI-18039 ва TC-18040 (дуплекс термопара) назорат ликопчадаги муҳитнинг температурасини;
- TI-18041 колоннадан чиқариладиган куб маҳсулотининг температурасини.

Колоннанинг юқори қисмидаги ишчи босим 336÷486 kPa оралиғида ушлаб турилади. Босимни кўрсатилган ораликда тартибга солиш, конденсаторда конденсатлаётган бутаннинг ҳажмини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади. PC-18014 асбобидан сигнал икки тартибга солиш клапанига – конденсаторга совутиш сувини бериш қувурўтказгичига

ўрнатилган PV-18014A “НО” ва “хўллаш” с уюқлиги сиғимига газ фазасини бериш қувурўтказгичига ўрнатилган PV-18014B “НЗ” клапанларига боради. Колоннадаги босим белгиланган қийматдан тушиб кетганда PV-18014A “НО” клапан ёпилади, PV-18014B “НЗ” клапан эса очилади, шу тариқа колоннадаги босим кўтарилиши ва пропаннинг конденсатланишининг пасайиши таъминланади. Колоннадаги босим белгиланган қийматдан ортиб кетганда, клапанларнинг ҳаракат йўналиши қарама-қарши томонга ўзгаради.

Колоннани, босимнинг ортиб кетиши ва машъалага ташланадиган бутаннинг ҳажмини камайиб кетишидан, ҳимоя қилиш учун бир қатор ҳимоя чоралари кўзда тутилган:

1. 420-590 кРа оралиқда босим белгиланган қийматдан ортиб кетганда, бутан FA-1806 “хўллаш” сиғимининг юқори қисмидан “хўл” машъала ташламаларини йиғиш тизимига ташланади. PV-18013 “НЗ” клапаннинг иши PS-18013 асбоби ёрдамида, босимнинг юқори “Н” қийматида сигнализация билан, бошқарилади.

2. тизимдаги босимнинг қиймати 590 кРа га етканда, PS-18042A/B/C манбадан узгичлар ишга тушади. Манбадан узгичлардан бирининг ишлаб кетиши PANN-18042A/B/C сигнализацияни ишга туширади. Уч манбадан узгичдан иккитасининг ишлаб кетиши I-1805 блокировкани ишга туширади.

Мазкур блокировка таъсирида қуйидаги клапанлар ёпилади:

- дебутанизаторнинг EA-1815 куб ребойлерига паст босимдаги буғ бериш қувурўтказгичидаги FV-18020 “НЗ” клапани;

- “хўл” машъала ташламаларини йиғиш тизимига бутанни ташлаш қувурўтказгичидаги PV-18013 “НЗ” клапани.

Колоннадаги босим 1520 кРа дан ортиб кетганда PSV-1816,S сақловчи клапанлар ишга тушади. Пропан сақловчи клапандан қурук машъала ташламаларини йиғиш коллекторига ташланади.

3. Колоннанинг юқори қисмидан олинадиган $39\div 45$ °С температурадаги маҳсулот ЕА-1814 конденсатор (дебутанизатор конденсатори) нинг қувурлараро ҳудудига берилади.

ЕА-1814 конденсатор горизонтал икки йўлли ғилофқувурли иссиқлик алмашгичдир.

Конденсаторда бутанлар айланма сув билан иссиқлик алмашиш ҳисобига совуйди ва конденсатланади. Бериладиган айланма сувнинг температураси $24-28$ °С ни ташкил этади. Сувнинг қайтувчи оқимининг температураси $30-34$ °С ни ташкил этади. Сувнинг қайтувчи оқимининг температурасини даврий равишда назорат қилиш учун, унинг қайтиш қувурўтказгичида TW-18061 мосламаси ўрнатилган. Конденсаторнинг қувурлар ҳудуди ва боғловчи қувурўтказгичларни босимнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилиш учун, айланма сувнинг чиқиш қувурўтказгичида 700 kPa босимга мўлжалланган, PSV-1823 сақловчи клапан ўрнатилган. Сув сақловчи клапандан хавфсиз жойга ташланади.

Конденсатордан чиққан $29\div 36$ °С температурадаги бутан FA-1806 “хўллаш” суюқлиги сиғимига берилади.

Конденсатордан конденсатланмайдиган компонентларни даврий равишда чиқариб ташлаш учун, унинг юқори қисмига, газ фазани машъалага ташловчи қувурўтказгич уланган.

FA-1806 “хўллаш” суюқлиги сиғими углеродли пўлатдан ясалган, ҳажми $3,4$ m³ бўлган горизонтал цилиндрик аппаратдир.

Сиғимдаги суюқликнинг сатҳи LC-18010 асбоби ёрдамида, суюқликнинг юқори “Н” ва қуйи “L” қийматларида сигнализация билан, омборга чиқариладиган бутаннинг ҳажмини ўзгартириш йўли билан, бир маромда ушлаб турилади. Сиғимдаги суюқлик сатҳи жойида LG-18067 сатҳўлчагич билан ўлчанади.

Сепаратордаги босим жойида PG-18081 манометр билан ўлчанади.

“Хўллаш” суюқлиги сиғимини босимнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилиш учун, 690 кРа босимга мўлжалланган, PSV-1822,S сақловчи клапанлар ўрнатилган. Бутан сақловчи клапанлардан “хўл” машъала ташламаларини йиғиш коллекторига ташланади. 29–36 °С температурадаги суюқ бутан “хўллаш” суюқлиги сиғимидан GA-1804,S насосларнинг сўриш қисмига берилади. GA-1804,S марказдан қочма горизонтал насосдир. (Насосни ишлатиш бўйича тўлиқ маълумот “Технологик насосларни ишлатиш бўйича йўриқнома” да келтирилган).

Насоснинг сўриш қисмига предметларни тушиб қолиши ва унинг ишдан чиқишини олдини олиш учун суюқ бутанни бериш қувурўтказгичида механик фильтр ўрнатилган. Тўрнинг диаметри 50 меш.

Насослар корпусидаги босим жойида PG-18082 ва PG-18083 манометрлар билан ўлчанади.

Суюқ бутаннинг FA-1806 “хўллаш” суюқлиги сиғимидан чиқиш қувурўтказгичида, насоснинг сўриш қисмида XV-18045 узгич клапан ўрнатилган. Клапанни бошқариш (очиш/ёпиш) DCS дан HS-18045 қайтаулагич билан амалга оширилади. Шунингдек, клапанни жойида PB-18045 тугмача билан ёпиш мумкин. Клапаннинг ёпилишида, ZSO-18045 улагичнинг “очиқ” ҳолат сигнали I-1809 блокировка ишга туширади, натижада GA-1804,S “хўллаш” суюқлигини берувчи насоснинг ишдан чиқишининг олди олиниб, у тўхтатилади.

Насосдан чиққан бутан, DA-1804 колоннанинг юқори қисмига “хўллаш” учун берилади. Дебутанизаторнинг 1-ликопчасига бериладиган “хўллаш” суюқлигининг миқдори FC-18022 асбоби ёрдамида, ушбу қувурўтказгичида ўрнатилган FV-18022 “НО” клапани воситасида тартибга солинади. FC-18022 асбоби учун топшириқ (C₅+юқори) углеводородларнинг бутандаги концентрацияси асосида берилади.

“Хўллаш” суюқлиги сиғимидаги сатҳга боғлиқ ҳолда бутаннинг бир қисми пропан фракцияси билан аралаштириш учун берилади. Аралаштириш бўлимига бериладиган бутаннинг миқдори, “хўллаш” суюқлиги сиғимидаги сатҳга боғлиқ ҳолда, FI-18010 сарфўлчагич билан ўлчанади. Бериладиган бутаннинг миқдори FI-18023 сумматор билан ўлчанади.

Аралаштирилган пропан-бутан фракцияси (ПБФ) оқими сақлаш ва истеъмолчиларга жўнатиш учун товар паркига юборилади.

Бериладиган товар бутаннинг таркибини, даврий равишда аналитик назорат қилиш учун, таъминлаш суюқлиги бериш қувурўтказгичида S-1811 намуналар олиш нуқтаси ўрнатилган.

C₅+юқори углеводородлар аралашмасидан ташкил топган куб маҳсулоти колоннанинг куб қисмидаги ҳайдаш секциясига берилади. Углеводородлар аралашмаси 105÷107 °С температурада ҳайдаш секциясидан, термосифон воситасида EA-1815 куб ребойлерининг қувурлар ҳудудига берилади.

EA-1815 куб ребойлери вертикал ғилофқувурли иссиқлик алмашгичдир.

Суюқ фаза ребойлерда, паст босимдаги тўйинган буғ билан иссиқлик алмашиш ҳисобига исийди. Буғ куб ребойлерининг қувурлараро ҳудудига 170°С температурада ва 500 кРа босим остида берилади. Суюқ фазанинг ребойлерда исиши натижасида осон учувчи углеводородлар буғланади, бунинг натижасида иссиқлик алмашгичниг бутун баландлиги бўйича углеводородлар аралашмасининг зичлиги камаяди. Иссиқлик алмашгичниг ҳайдаш секциясидаги ва куб ребойлеридаги маҳсулотларнинг зичликлари орасидаги фарқ термосифон жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Куб ребойлерининг қувурлараро ҳудудига бериладиган буғнинг миқдори, FC-18020 сарфўлчагичниг поғонали ишлаш режимида, назорат

ликопчасидаги температурага боғлиқ ҳолда топшириқни қайта белгилаб, тартибга солинади. Колоннанинг назорат ликопчасидаги ишчи температура $94\div 96$ °C даражасида ушлаб турилади.

Бериладиган буғнинг босими ребойлерга кириш жойида PG-18077 манометр билан ўлчанади.

Иссиқлик алмашиш жараёнида ребойларда буғ конденсатланади, буғ конденсати ребойлердан FA-1811 буғ конденсати сифимига юборилади.

FA-1811 буғ конденсатини йиғиш сифими, ҳажми $0,4 \text{ m}^3$ бўлган вертикал сифим бўлиб, EA-1815 куб ребойлерининг буғ конденсатини йиғиш учун мўлжаллангандир.

Йиғиш сифимидаги буғ конденсатининг сатҳи, конденсатни йиғиш коллекторига чиқариш қувурўтказгичида ўрнатилган LV-18013 "НЗ" тартиблагич клапан воситасида, LC-18013 асбоби билан тартибга солинади. Конденсатнинг ҳажми жойида LG-18066 сатҳўлчагич билан ўлчанади.

Буғ конденсатини йиғиш сифимидаги босим PG-18078 манометр билан ўлчанади.

Инерт, конденсатланмаган газларнинг йиғилиб қолиши ва куб ребойлерининг буғ тизими ишининг бузилишини олдини олиш мақсадида, унинг юқори қисмидан, 12 kg/h миқдорида юқоридан олинадиган маҳсулотни доимий ташлаш амалга оширилади. Ташланадиган маҳсулот миқдорининг доимийлиги FO-18055 чекловчи диафрагма билан таъминланади, конденсат буғ конденсатини йиғиш коллекторига ташланади.

Куб ребойлерининг қувурлараро ҳудуди ва боғловчи қувурўтказгичларни ребойлерга буғнинг кириш қувурўтказгичидаги босимнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилиш учун, 1000 kPa босимга мўлжалланган, PSV-1818 сақловчи клапан ўрнатилган. Буғ сақловчи клапандан атмосферага ташланади.

Куб ребойлерига бериладиган углеводородлар оқимининг температурасини TW-18060 мосламасида ўлчаш мумкин.

Ребойлердан чиққан углеводородлар аралашмасининг икки фазали оқими, 110÷113 °С температурада, куб қисмининг йиғиш секциясига берилади. Газ фазаси йиғиш секциясидан, ҳайдаш секциясига оқиб тушаётган суяқ фаза билан масса алмашиш жараёнида иштирок этиб, колоннанинг юқори қисмига кўтарилади.

Куб ребойлерининг унумдорлигини назорат қилиш учун, ребойлардан чиқаётган углеводородлар оқимининг температурасини даврий равишда, куб маҳсулотини дебутанизатор кубига бериш қувурўтказгичига ўрнатилган TW-18058 мосламаси воситасида, ўлчаш имкони мавжуд.

110÷113 °С температурадаги суяқ фаза – барқарор кондесат (C₅+юқори углеводородлар) колонна кубининг йиғиш секциясидан, 410÷420 кРа босим остида, совутиш учун EA-1816 совуткичнинг қувурлараро ҳудудига берилади.

Йиғиш секциясидаги суяқликнинг сатҳи, сатҳнинг юқори “Н” ва қуйи “L” қийматларида сигнализация билан, LC-18009 асбоби ёрдамида ўлчанади. Йиғиш секциясидаги суяқликнинг сатҳи жойида LG-18065A/B сатҳўлчагич билан ўлчанади.

Чиқариб олинадиган маҳсулот миқдори FC-18026 асбобининг поғонали ишлаш режимида, колонна кубидаги сатҳга (LC-18009) боғлиқ ҳолда топшириқни қайта белгилаб, тартибга солинади. Тартибга солиш, куб маҳсулотини чиқиш қувурўтказгичига ўрнатилган FV-18026 “НЗ” клапани воситасида, амалга оширилади.

Колоннанинг куб қисмидаги босим PG-18080 манометр билан ўлчанади.

EA-1816 совуткич горизонтал иккийўлли ғилофқувурли иссиқлик алмашгичдир.

Совуткичда барқарор углеводород конденсати, айланма сув билан иссиқлик алмашиш ҳисобига, совуйди. Бериладиган айланма сувнинг температураси 24÷28 °С, унинг қайтувчи оқимининг температураси 29÷33 °С ни ташкил этади.

Сувнинг қайтувчи оқимининг температурасини даврий равишда назорат қилиш учун, унинг қайтиш қувурўтказгичида TW-18059 мосламаси ўрнатилган. Конденсаторнинг қувурлар ҳудуди ва боғловчи қувурўтказгичларни босимнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилиш учун, айланма сувнинг чиқиш қувурўтказгичида 700 kPa босимга мўлжалланган, PSV-1819 сақловчи клапан ўрнатилган. Сув сақловчи клапандан хавфсиз жойга ташланади.

29÷36 °С температурадаги совуткичдан чиққан углеводород конденсати, товар маҳсулот сифатида. товар паркига жўнатилади.

Углеводород конденсатининг совуткичдан чиқишдаги температураси, температуранинг юқори “Н” қийматида сигнализация билан, TI-18043 термопара ёрдамида ўлчанади.

Товар паркига бериладиган углеводород конденсатининг босими PG-18079 манометр билан ўлчанади.

Чиқариб олинadиган углеводород конденсатининг сифатини даврий равишда назорат қилиш учун, совуткичдан кейинги қувурўтказгичида S-1812 намуналар олиш нуқтаси ўрнатилган.

FA-1806 “хўллаш” суюқлиги сиғими ва GA-1804,S флегма бериш насосларидан суюқ маҳсулотлар суюқ дренаж коллектори (СДК) га, DA-1804 колоннасининг куб қисмидан эса мойли маҳсулотларни йиғиш тизимига ташланади.

ASOSIY QURILMANING TEXNOLOGIK HISOBI

